



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 11 сентябрь, № 187 (7145)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 2018 йил 12 — 14 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув ва музокараларда икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилиш, сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий, инвестиция, фан ва таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг узоқ мuddатли истиқболга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб олиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Беларусь Президентлари минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Ташриф доирасида Тошкент шаҳрида «Беларусда ишлаб чиқарилган» миллий кўргазмаси ташкил этилади, шунингдек, икки мамлакат ишбилармон доиралари ва ҳудудлари раҳбарлари иштирокида қўшма бизнес ва ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали дўстона алоқаларга янги сўрат бахш этишга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро қелишувлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ў.А.

Хамкорлик

Ўзбекистон — Беларусь: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

Беларусь Республикаси Президенти Ўзбекистонда расмий ташриф билан бўлади. Албатта, сўнгги икки йил ичида мамлакатларимиз етакчиларининг фаол мулоқотларидан кейин ушбу ташрифнинг амалга ошиши табиий эди.

Мулоқотларнинг юқори даражаси

Ўзбекистон ва Беларусь сиёсий ҳамда иқтисодий алоқаларининг ҳозирги шакли мамлакат етакчилари орасида шаклланган яқин муносабатлар билан белгиланади. 2016 йил Самарқандда, 2017 йил Сочида МДХ саммити доирасида Президентларнинг учрашувлари давомида Ўзбекистон ва Беларусь ҳамкорлик алоқаларини янги bosқичга олиб чиқишга қелишиб олинди. Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко таъкидлаганидек, «охирги бир йилнинг ўзида Минск ва Тошкент муносабатлари борасида ўтган 20 йилдагидан кўпроқ иш қилинди». Ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, «Беларусь — бизнинг ишончли, самимий, азалий ҳамкоримиз, дўст мамлакатдир».

Олий даражадаги мулоқотларнинг ўзаро ишончга асосланган характери икки мамлакат парламентарлари, вазирликлари, ҳудудлари ҳамда бизнес доиралари ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорлиқнинг фаоллашувиغا йўл очди. 2018 йил июнда Олий Мажлиси Сенати Раиси Нигматулла Йўлдошев бошчилигидаги

Ўзбекистон делегациясининг Беларусь Республикасига ташрифи бўлиб ўтди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кучайтириш бўйича 2018 йилга мўлжалланган «йўл харитаси»ни рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди.

2018 йил августда белорус делегациясининг юртимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикасининг икки томонлама ҳамкорлиги бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг йиғилиши ўтказилди. Унда биргаликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари диққат марказида бўлди. Мажлис якунларида кўра, икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Самарали алоқаларимиз қўлаб соҳаларни қамраб олгани ҳамкорлиқнинг муҳим жиҳатидир. Беларусь БМТ-нинг барча тузилмаси ва бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистонни фаол қўлаб-қувватламоқда. Беларуснинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти сингари халқаро майдонда ўз мақомини мустаҳкамлаб олишида эса Ўзбекистоннинг катта ўрни бор.



Қўшни давлатга автобуслар қатнови янада кўпайди

Термиздан йўлга чиққан автобус Душанбе шаҳрига етиб келганида сурхондарёликларни тантанали кутиб олиш тадбири бўлиб ўтди. Душанбе шаҳридан йўлга чиққан меҳмонлар эса Термиз шаҳри автошоҳбекатида тантанали қарши олинди.

Қардошлик

— Бу қатнов дилларимизни бир-бири билан боғлайди, — дейди Тохикистон Республикаси транспорт вазири ўринбосари Фаррух Неъматзода. — Одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлашга ҳизмат қилади.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамжихатлик ҳамда эзгуликни мадҳ этувчи куй-қўшқилар янграган икки қўшни мамлакатнинг икки шаҳридаги тадбирлар эзгуликка ҳизмат қилиши билан аҳамият касб этади.

Термиз — Душанбе ўртасида-

ги масофа 251 километр. Қатновни амалга ошириш учун 5 соати 39 дақиқа вақт сарфланади. Йўлқира ҳақи Термиздан Душанбегача 70 минг сўм, Душанбедан Термизгача эса 70 сомоний этиб белгиланди.

Шунингдек, Денов — Душанбе, Самарқанд — Панжикент йўналишларидаги халқаро автобуслар қатнови йўлга қўйилгани ҳам ўзбек — тоjik халқлари дўстлигига ҳизмат қилади.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Беш кун мобайнида юртимиз аҳли маҳаллий ҳамда хориждан келган санъаткорлар ижросида мақом санъатининг бетакрор наволаридан баҳраманд бўлишди. Ҳар кун юзлаб шинавандаларнинг Оқсарой майдонига оқиб келиши, жой етишмаса-да, белгиланган ҳудуддан ташқарида туриб бўлса ҳам тунги соат 23 га қадар давом этган танловда чиқиш қилаётган созанда хонандаларни олқишлаб туриши, ушбу анжуманнинг нақадар халқона эканлигини исботлади. Нафақат Оқсарой майдонидан, шу билан бирга, Қашқадарё вилоятининг Китеб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ туманларида ҳам чет эллик санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари ташкил қилинган эса чин маънода муҳлис ва санъаткор қалбини туташтирувчи кўприк вазифасини ўтади.

Ҳамад бин Абдулрахмон ал-Аттия:

ЎЗБЕКИСТОН ҚИТЪАДАГИ ОТ СПОРТИ РИВОЖЛАНГАН ЙИРИК МАРКАЗГА АЙЛанаДИ



Эксклюзив интервью

— Ўзбекистонга хуш келибсиз!

— Хушхат бўлинг, раҳмат!

— **Утган йили федерация президенти лавозимига киришганингиздан сўнг илк сафарни Ўзбекистонга уюштирган эдингиз. Орадан маълум вақт ўтди, яна мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибсиз. Айтинг-чи, ушбу қисқа давр ичида юртимиздаги қандай ўзгаришлар эътиборингизни тортмоқда?**

— Ўзгаришлар жуда кўп. Бунга ҳар қадамда гувоҳ бўляпмиз. Айниқса, от спортдаги охириги бир йил ичидаги янгиланишлар юртингизда кечаётган шид-

датли ислохотларга ҳамоҳанглик касб этган. Бунинг исботи сифатида бир мисол, яъни ҳудудларда халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ноёб зоти отларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган замонавий мажмуалар фойдаланишга топширилганини айтиш kifоя, назаримда. Шу боис аввалги билан бу галги ташрифим давомида олаётган таассуротлар ўртасида фарқ жуда катта.

2017 йилда Ўзбекистонга келганимда ҳукумат аъзолари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Йилқичилик ва от спорти федерацияси сингари соҳага тааллуқли идоралар раҳбарлари билан учрашиб, асосан, ҳамкорлик алоқалари, от

спортини ривожлантириш истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинган эди. Бугунги ташриф эса нафақат Жаҳон кубоги мусобақаларини кузатиш, айти пайтда, бир йил муқаддам белгилаб олинган вазифалар ижросини таҳлил қилиш имконини бермоқда.

Очиги, тизимдаги жадал ўзгаришлардан ҳайратдаман. Шу маънода, От спортининг тўсиқлардан сакраш (конкур) тури бўйича Жаҳон кубоги финал bosқичини ўтказиш учун Ўзбекистон танлангани юртингиз қўлга киритаётган ушбу ютуқларнинг юксак эътирофи ҳамдир.



Анжуман

Пахта теримида мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини ушқоқлик билан ташкил этишга бағишланган видеоселектор йиғилишида мавсумни самарали ўтказиш, теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш ва пахта етиштирувчи хўжаликларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилган эди.



Меҳмонлар ушбу анжуман баҳона, халқимизнинг урф-одатлари, яшаш тарзи билан ҳам яқиндан танишишди. Бағрикенглик, ширинсўзлик, меҳмоннавозлик каби азалий хислатларимизга гувоҳ бўлишди. Ким билан суҳбатлашмайлик — у созанда ёки хонанда, ҳакамлар ҳайъати аъзоси ёхуд муסיқашунос бўлсин, ҳамма-ҳаммаси мазкур фестивал хусусида тўлиб-тошиб ўз фикрларини баён этишди. “Анжуман баҳонасида келиб, Ўзбекистонга ўрганиб қолдик, энди кетгимиз келмаяпти, бу юртни соғиниб яшаймиз” дея дил сўзларини изҳор этишганида, очиги, фахру гурурдан бошимиз кўкка етди.

10 сентябрь. Шаҳрисабзда жой-

лашган Оқсарой майдонидаги амфитеатрда форум иштирокчилари ҳамда меҳмонлар, юртимиз маданияти ва санъат намояндалари, жамоатчилик вакиллари иштирокида Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Туниснинг “Al Gharbi Twins”, Япониянинг “SPCP Japan” жамоалари ва Туркменистон вакили Сўхонберди Оразбердиев учинчи ўринга лойиқ, деб топилди. Эроннинг “Настар” ансамбли ва ҳиндистонлик Устад Икбол Аҳмад Хон иккинчи ўринга муносиб кўрилди.

Озарбайжоннинг “Хайрати” жамоаси солисти Нигор Шабанова ва Ўзбекистоннинг “Сақил” ансамбли

биринчи ўринга сазовор бўлди.

Халқаро мақом санъати анжуманининг бош соврини — Гран-при Тожикистоннинг “Мақом академияси” га топширилди.

— Жуда ҳаяжондаман. Ушбу фестивалда иштирок этишининг ўзи биз учун катта шараф, — дейди мазкур гуруҳ асосчиси, Тожикистон халқ артисти Абдували Абдурашидов. — Бош совринни қўлга киритишим эса тарихий воқеа бўлди. Ҳозир қалбимда кечаётган ҳаяжон, фахр-ифтихорни сўз билан ifодалаш қийин. Фур-

сатдан фойдаланиб, ушбу фестивални ташкил этган Ўзбекистон раҳбариятига, бизга жуда катта ҳурмат кўрсатган санъатсевар ўзбек халқига миннатдорлик изҳор этаман.

Маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон — Хитой: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ ФАОЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон ва Хитой “ақл марказлари” — илмий-тадқиқот институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида ҳамкорлиқни кучайтиради. Бу ҳақда пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, дипломатик корпус вакиллари, икки мамлакат оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда сўз борди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан Хитой халқ дипломатияси ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Харакатлар стратегиясида транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш долзарб вазифалардан бири сифатида белгилангани кўрсатиб ўтилди. Бу, энг аввало, ташқи иқтисодий муносабатлар ва савдо алоқаларини кенгайтириш, юртимизнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, туризм соҳаси раvнақи, энг асосийси, тарихий ва маданий муштарак бўлган минтақамиз халқларининг яқинлашишига замин яратди.

2013 йилда илгари сурилган “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг асосий мақсади қадимий Ипак йўли руҳиятини қайта тиклаш асосида, минтақавий иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш, мамлакатларнинг транспорт инфратузилмасини бирлаштириш, маданий алоқаларни, тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаббусида транспорт, савдо, инвестиция, энергетика ва юқори технологиялар соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишни қўлаб-қувватлайди. Ўзбекистон Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-Ғарбий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғлайдиган транспорт-логистика йўналишларини яратишга катта қузиқчи билдиarmoқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори

Владимир Норовнинг айтишича, Тошкентнинг сўнгги икки йилда шаклланган янги минтақавий сиёсати Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлаш йўлидаги сайй-ҳаракатларини фаоллаштириш, минтақани яхши қўшничилик, барқарорлик ва тараққиёт ҳудудига айлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Минтақада юзага келган принципал янги сиёсий муҳит Ўзбекистон ва Марказий Осиё бошқа мамлакатларининг Хитой билан “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қулай шарт-шароит яратди.

— Ўзбекистон ва Хитой “ақл марказлари”, оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги халқ дипломатиясининг амалий ifодаси ҳисобланади, — дели Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Цзян Янь хоним. — Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ўз тараққиёт тарихида энг юқори bosқичда турибди. Ҳамкорлигимиз икки томонлама муносабатларнинг барча жиҳатини қамраб олган. Ушбу bosқичда оддий фуқароларимиз ўртасида алоқаларни ривожлантириш ҳаётин заруратдир.

Тадбир доирасида халқлар ҳамжихатлигини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситалари ўртасидаги мулоқотни изчил жорий этиш, турли цивилизацияларнинг ақидил тараққиётини таъминлашга қаратилган маърузалар тингланди.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — Беларусь: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТАЛИК

1

Ўзбекистон ва Беларусь Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" ташаббусини қўллаб-қувватлади ва айни пайтда "Ипак йўлининг иқтисодий белбоғи"ни бунёд этишда қатнашмоқда. Бу, шубҳасиз, ўзаро биргаликдаги ҳаракатларда янги натижаларни қўлга киритиш имконини беради.

Ўзбек — белорус муносабатлари мустақамланиб, ҳамкорлик соҳалари кенгайиб бормоқда. Ҳар икки давлат икки томонлама алоқаларнинг зарур ҳуқуқий асоси ва ўзига хос аъёналарини шакллантирди.

Мустақам алоқалар тарихи

Ўзбек ва белорус халқларининг дўстлиги белорус миллати вакиллари Марказий Осиёга қўчи кела бошлаган ва Ўзбекистон ривожига катта ҳисса қўшган XIX–XX асрлардаги тарихий жараёнлар билан боғлиқ. Масалан, XX аср бошларида Туркистонга келган белорус деҳқон фарзанди Константин Адамович Писарчик Қўқон танобчилар бўлимида ишлаган. У ўзбек тилини яхши ўрганиб олган ва 20-йиллар бошида маҳаллий аҳоли орасидан ер тۈзۈвчилар тайёрлаш курсларини очган.

Белоруслар кириб келишининг кейинги босқичи Туркистонда фуқаролар урушининг туғатиши, иқтисодийёт ва қишлоқ ҳўжалигининг барқарорлашуви билан боғлиқ. Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги дўстлик Иккинчи жаҳон урушининг машаққатли йилларида янада мустақамланди.

Беларуси озод қилишда қўролдош биродарлари билан елкама-елка туриб жанг қилган ўзбек аскарларининг ҳам улкан ҳиссаси бор. Ҳарбий мавзудаги илмий тадқиқотлардан ўзбекистонлик жангчиларнинг Беларусдаги уруш ҳаракатларида иштирокни тасдиқловчи қўллаб қўшмалар топиш мумкин. Айни дамда Ўзбекистондан ҳам қўллаб белорус аскарлар, хусусан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган Г. Станкевич, Е. Стемпковская, А. Тюльга, Е. Белявин, А. Васькевич, В. Жигунов, Б. Майстренко қабиляр фронтига йўл олган.

Фашистларга қарши урушда белорус заминиди ёш ўзбек ўғлини Умархон Усмонов ҳалок бўлади. Фарзанди вафотидан хабар тоглан Усмон ота ихтиёрий равишда фронтга отланган ва айнан ўгли хизмат қилган жойларда мардонлар жанг қилади.

Тошкент педагогика институтининг тарих факультети битирувчиси, келиб чиқishi белорус Елена Стемпковская уруш бошланганлиги эълон қилиниши биланок фронтга кетган ва сўнгги нафасига қадрар жангларда иштирок этган.

Беларуси озод қилишда партизанлар ҳаракати катта роль ўйнади. Унинг ҳудудида 6200 дан зиёд партизан отрядлари фаолият юритган. Бу бир миллиондан ортиқ одамларни бирлаштирган яширин қўшин таркибиди турли миллатлар, шу жумладан, ўзбеклар ҳам фаолилик кўрсатган. Беларусда партизан отрядига бошчилик қилган Мамадали Топполдидиев номи яхши маълум ва бир қисматлар унинг номи берилган. Уруш йилларида ўзбекистонлик фан ва

маданият арбобларининг республикамизга эвакуация қилинган беларуслик ҳамкасблари билан ҳамкорлиги янада кучайди, чуқур илдири отди. Масалан, уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган таниқли белорус шоираси Эди Огнецвет кейинчалик ўз хотираларида шундай ёзган эди: "...Кеч белорус кузи, айниқса, қишда кўнгил баҳорги илиқлиқни кўмсайди. Бундай илиқлиқни мен ўзбек дўстларимнинг китоблари, мактублари, кўнгирақлари ва улар билан учрашувлардан топаман... Дўстларим билан учрашувлар, уларнинг сўхбатлари, самимий кўлгиси Беларуссия билан айрилиқ кўнларимда мени оёққа турғизган беқийёс малҳам бўлганди. Душман устидан голиб чиқишга бўлган кучли ишонч барчамизнинг қалбларимизга олов ёққан. Бизнинг кўнглимизни мана шундай Дўстлик иситган..."

Ўзбекистонга эвакуация қилинганлар орасида замонавий белорус адабиёти асосчиларидан бири, атоқли ижодкор Якуб Колас ҳам бўлган. Буюк белорус шоири ва жамоат арбоби халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ривожига улкан ҳисса қўшди. Тошкентда шоирнинг бюсти ўрнатилган.

Ўзбекистон ва Беларусь маданиятида Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди алоҳида ўрин тутди. Беларус шоирлари томонидан унинг бадиий асарлари бир неча бор таржима қилинган. Шоира қаламига мансуб шеърларнинг белорус тилида янграшига Эди Огнецвет, Евдокима Лось, Степан Гаврусев, Ригор Бородин, Олег Лойко, Юрас Свирко, Вера Верба, Анатоль Вертинский, Фёдор Жичка, Аркадий Мартинович, Сергей Граховский ва бошқалар сабабчи бўлдилар.

Уруш йилларида белорус олимларининг ҳам каттагина қисми Ўзбекистонга қўчириб келтирилган. Бу 1942 йил январдаёқ Беларус Республикаси Фанлар академияси фаолиятини қайта тиклаш имконини берди. Жумладан, академик Евгений Алексеев Ўзбекистонда илк бор экилаётган лавлагни уруғини қадаш ва парваришлаш усуллариин ишлаб чиқишда қатнашган ўзлаш, академик Оскар Кедров-Зихман ўйлашнинг янги усуллариин тақлиф қилган. Беларус Фанлар академияси академиги Андрей Прокопчук раҳбарлигида Ўзбекистонда тиббий препаратлар ишлаб чиқариш бўйича лаборатория ташкил қилинган.

50-йилларга келиб белорусларнинг Ўзбекистонга қўчиб келиши янада қўлайди. Улар тўқимачилик тармоғи янгитдан барпо этилаётган Ўзбекистонга ушбу сановатли ривожлантиришга ёрдам беришга интилдилар.

1966 йилги эилзиладан кейин Беларус ҳам биродарлик қўлини қўзди. Тошкента вагонларда "Гомель ёрдамга шошилади!", "Солигорск ишончи оклайди!" шioriлари қадаглан поездлар йўлга чиқди. 2 минг нафар белорус қурувчилари томонидан қисқа муддатларда 26,6 минг квадрат метр тураржой ҳамда 960 ўринлик мактаб бунёд этилди.

70-йилларда Трактор заводи очилиши муносабати билан Тошкентта Беларусдан қўллаб мутахассислар қўчиб келди. Улар ишлаб чиқаришнинг барча соҳасида,

илмий ва маданий муассасаларда фаолият олиб бордилар.

Халқ дипломатияси

Масофаларнинг узоклигига қарамасдан, ўзбек — белорус халқларининг дўстона алоқалари улкан Евросиё ҳудудида истикомат қилувчи икки миллат тақдирларининг узвий боғланиб кетганлиги ҳосиласидир. Муҳими, биродарлик, ҳамфирқлик, хайрихоҳлик бугунги кўнга қадрар сақланиб келди. 18 минг кишини ташкил қилувчи кўп сонли белорус жамоатчилиги Ўзбекистонни ўз Ватани деб билади. Республикамида яшовчи белорусларнинг аъёналари, урф-одатлари ва кадриятларини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун "Севитанак" белорус маданий маркази фаолият кўрсатмоқда. Икки республика ҳаётидаги эътиборга молик саналар кенг нишонланяпти. "Севитанак" мамлакатимизда фуқаролик жамаиятини шакллантиришга хизмат қилаётган кўргазмалар, семинарлар, анжуманларда иштирок этмоқда.

Икки томонлама алоқаларни мустақамлашда ўзбек ва белорус ёшларининг манфаатлари муштараклиги алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан Беларус Республикаси ёшлар иттифоқи ўртасида ҳамкорлик битими тузилиши режалаштирилаётгани ушбу жараёнга янги суръат бахш этиши шубҳасиз. Ўз навбатида, Ўзбекистон ёшлари вакиллари "Витебскдаги славян бозори" халқаро санъат фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўзбекистон ва Беларус ёшлари бир-бирини таниши, меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамфирқлик руҳида мулоқот қилиши лозим.

Белорус жамоатчилигида ўзбек миллий аъёналарида қизиқчи сезилари равишда ўсиб бормоқда. Қўллаб ўзбек миллий таомлари ресторани, "Пловберри" махсус хизмати фаолият олиб бораётгани ўзбек ошонаси бу ерда қанчалар шухрат қозонганларини далолат беради. Бугун Минск аҳолиси хонадонларига ўзбек ошонаси аъёналарига амал қилган ҳолда тайёрланган машҳур таомларимиз етказиб берилаяпти.

Ҳамкорлик салоҳияти

Ўзбекистон — Беларус ўртасидаги бугунги алоқалар, бу — икки шерик ва дўстнинг ўзаро муносабатларидир. Ўтган 25 йил давомида мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда ўзаро мустақам алоқаларни ўрнатди. Шу маънода, Беларус Президентининг Тошкента қилажақ таширфи нафақат олинда турган ҳамкорлик истиқболларини батафсил муҳокама қилиш, балки алоқаларни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш бўйича аниқ қарорлар қабул қилиш имконини беради. Қолаверса, экспертларнинг қайд этилишига, мазкур таширф Ўзбекистон — Беларус муносабатлари тарихига янги саҳифа битиш учун асос нуқтасига айланади.

Ўзбекистон ва Беларус ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда диверсификация қилиш, уларни ўзаро бир-бирини тўлдириш асосида бар-

по этиш лозим. Икки давлат компаниялари ўзаро алоқаларни раванқ топтириш ва кооперацияни ривожлантириш ҳамда одадий экспорт-импорт амалиётлари доирасидан ташқарига чиқиш эвазига янада изчил ҳамкорлиқни йўлга қўйишга тайёр турибди. Мамлакатларимизда фармацевтика, туризм, енгил саноат, автомобилсозлик каби тармоқларда бизнес ҳамда инвестициялар учун улкан салоҳият мавжуд. Бугунги кўнда автомобиль эҳтиёт қисмлари, агросаноат, тоғ-кон ва қурилиш асбоб-ускуналариин ишлаб чиқариш соҳасида шериклик қилиш бўйича кенг имкониятлар очилди. Давлатлараро илмий-техник ҳамкорлик, инновациялар ва янги техно-

си қурилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан Беларуснинг ядро энергетикаси дастурларини амалга ошириш бўйича тажрибаси ҳамда Беларус АЭС иншоотидан фойдаланиш алоҳида долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Беларус билан рақамли иқтисодиётни тараққий топтириш бўйича ҳам ҳамкорлик қилмоқчи. Мамлакатимизда рақамли тизимларни ривожлантириш воситасида аҳоли турмуш сифатини ошириш мақсадида "Ақлли шаҳар" лойиҳаси ва "Mirzo Ulugbek innovation center" инновация маркази ишга туширилди. Ўз навбатида, Беларусда Силикон водийсининг ўзига хос муқобил қўринишини ифодалаган ҳамда

МАЉУМОТ УЧУН:

✓ 2017 йилда Беларус ЯИМ 54,44 миллиард

АҚШ долларини ташкил

этди. Иқтисодиётнинг

ялпи ички маҳсулотдаги

етақчи тармоқлари:

хизматлар — 51,1 фоиз,

саноат — 40,6 фоиз,

қишлоқ ҳўжалиги —

8,3 фоиз. Аҳоли бошига

ЯИМ ҳиссаси 5 минг доллардан тўғри келади.

✓ Беларуснинг 2017 йилдаги умумий товар айланмаси 50,4 млрд.

долларни ташкил қилган. Шундан 24,2 миллиард доллар

экспорт, 26,2 миллиард доллар

импорт ҳиссасига тўғри келади.

✓ 2017 йилда Ўзбекистон ва Беларус ўртасидаги ташқи савдо

ҳажми икки баробардан зиёд ўсиб, 131 млн. АҚШ долларига

этди. 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўзаро товар айир-

бошлаш 90 млн. доллардан ошди. Ўзбекистонда Беларус капи-

тали иштирокида 23 та, жумладан, 19 та қўшма корхона фаолият

олиб борапти.



логияларни жорий этиш бўйича истиқболлар алоҳида эътиборга лойик. Бинобарин, Беларусда бу борада салмоқли тажриба тўпланган. Сайёҳлик оқимларини қўпайтириш учун ҳам имкониятлар етарли.

Биз Ўзбекистон — Беларус ўртасида ҳарбий-техник ва ҳарбий-иқтисодий тармоқлар бўйича ҳамкорликда ўзаро фойдаланиш ҳамда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш учун улкан истиқболларни кўрапмиз. Мазкур давлат муддофаа сектори корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати ва ишончилиги билан ажралиб туради. Зеро, шунинг шарофати билан Беларус дунё бўйича ҳарбий техникалар ҳамда қурул-яролар ишлаб чиқарувчиларнинг энг йирик йигирматалиги сафидан ўрин олган. Биргина ўтган йилнинг ўзидида мазкур давлат қўймати 1 млрд. доллардан зиёд ҳарбий маҳсулотларни экспорт қилган.

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати томонидан республикада атом электростанция-

иТ-бизнесни қўлай ва муваффақиятли ривожлантиришга хизмат қилувчи алоҳида иқтисодий зона — юқори технологиялар парки фаолият юритиб келмоқда. Юқори технологиялар ва инновацион салоҳиятини уйғунлаштириш жабҳасидаги ўзаро муносабатлар ҳам Ўзбекистон, ҳам Беларус фойдалана оладиган улкан ижобий самардорлик тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистоннинг Беларус билан муносабатларини ривожлантиришдан юқори даражада манфаатдорлиги алоқалар раванқига кучли туртки бериш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янги даражага қўтаришга қодир. Ўтган йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 131 млн. долларни ташкил этиб, икки баробардан зиёд ўсгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу борадаги ижобий ўсиш жорий йилда ҳам давом этапти. Хусусан, 2018 йилнинг биринчи ярмида маҳсулот айирбошлаш ҳажми 90 миллион доллардан ошди кетди. Ўзбекистонда Беларус капитални иштирокидаги 23 та, шу

жумладан, 19 та қўшма корхона ишлаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

2017 йилда Беларуснинг "Амкордор" ва "Бобруйскгадомаш" холдинглари томонидан йўл-қурилиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этилди. Минск трактор заводи биргаликда Тошкентда тракторлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйди. Ўзбекистон пойтахтида озиқ-овқат саноати ва ветеринария учун реагентлар (кимёвий модда — таҳр.) тайёрлаш бўйича қўшма корхона очилди. Ўзбекистонда талаб мавжуд бўлган тиббий дори-дармонлар ва воситалар ишлаб чиқариладиган қўшма корхона эса ишга тушиш арафасида турибди. Айни чоғда енгил саноат соҳасида ҳам қўшма корхона ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилаёттир.

Ўзаро савдо ҳажминини ошириш бора-сидиға салоҳият юқаск даражада. Чунончи, 2018 йилда Ўзбекистон ва Беларус ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар жадаллашди. Жорий йил июнь ойида Минскда ўтказилган ўзбек — белорус давра сўхбати давомида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар истиқболлари кўриб чиқилди. Икки мамлакатнинг инвестициявий иқлими, экспорт ва туристик салоҳияти тақдироти бўлиб ўтди. Корхоналар ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик қилиш бўйича қатор савдо битимлари ҳамда шартномалари имзоланди. Август ойида Могилёвда ўзбек — белорус бизнес форуми ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари томонидан ўн миллион долларлик шартномалар қабул қилинди, қўшма корхона ташкил этиш бўйича келишувларга эришилди. Сентябрьда Тошкент шаҳрида ҳам ўзбек — белорус йирик бизнес форуми ҳамда "Made in Belarus" кўргазмаси ўтказилди. Унда "БелАЗ", "МТЗ", "Белшина", "Белорусская лесная компания", "Березастройматериалы", "Адаман", "БелОМО", "Конте СІА", "Коммунарка", "Бабушкина крынка", "Белрыба" каби оязлаб корхоналар катнашди.

Беларус компанияларида республика-миз билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтиришга бўлган қизиқиш ортиб бораётгани мамлакатимизда бизнес соҳасида чуқур ислохотлар рўёбга чиқарилаётгани, валютани эркин конвертация қилиш тартиби киритилгани ва божхона божлари сезилари даражада камайитрилгани билан изоҳланади. 2018 йил февраль ойидан бошлаб ҳорихлик импортчилар учун озиқ-овқат бозори ҳам очилди.

Президент Александр Лукашенконинг юртимизга бўлажақ таширфига Ўзбекистонда катта аҳамият қаратилмоқда. Зотан, Ўзбекистон — Беларус муносабатларини ривожлантириш бугунги кўнда икки давлат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, икки томон ҳам ўзаро дўстона алоқаларни амалий мазмун билан бойитишга тайёрдир.

Алексей КУСТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Стратегик ва минтақаро
институтини бош илмий ходими.

Парламент ҳаёти

2018 йилнинг биринчи ярмида "Ўзбекэнерго" АЖ томонидан 30,9 миллиард кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилган, бу курсаткич 2017 йилдагига нисбатан 180,4 миллион кВт. соат кўп. Бу ҳақда "Ўзбекэнерго" АЖ бошқаруви раиси сенаторларга ахборот берди.

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ БОШҚАРУВИ РАИСИ АХБОРОТ БЕРДИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамаияти корхоналарини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш ҳамда тизимдаги дебитор қарздорликни камайитириш бораида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди.

Унда қайд этилишича, акциядорлик жамаияти ва унинг таркибидиға корхоналар томонидан электр энергетикаси соҳасини такомиллаштириш, электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш, реализация ва истеъмол қилишда янгича ёндашув ҳамда иш усуллариин жорий этиш юзасидан салмоқли тадбирлар йўлга қўйилган. Жамаият таркибий тузилишаси мунтазам равишда такомиллаштирилиб боришмоқда.

Жамаият томонидан 2018 йилнинг опти ойида дебитор қарздорлик 3,9 триллион сўмга қисқартирилган. Шу жумладан, муддати ўтган дебитор қарздорлик йил бошида 341,3 миллиард сўмни ташкил этиб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 315,5 миллиард сўмга қисқартирилган. Тизимда зарар билан ишлаётган корхоналар шу кўнга қадрар 5 тага камайган.

Шу билан бирга, мажлисда "Ўзбекэнерго" АЖ фаолиятдаги қатор камчиликлар ҳам алоҳида қайд этилди. Жумладан, корхоналарини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига тизимдаги дебитор қарздорликни камайитиришда хатоликларга йўл қўйилган.

Шунингдек, мажлисда жамаият тизими корхоналарининг эскирган электр узатиш тармоқлари, трансформатор подстанциялари ва пунктлари ҳамда тегишли инфратузилмасини янгиллаш суръатларининг сустлиги — технология йўқотишларнинг қўпайишига ва жойларда энергия ресурсларининг узалишлар билан етказиб берилишига сабаб бўлаётгани таъкидланди. Мажхуд вазиятини яхшилашга доир тегишли тавсиялар берилди.

Йиғилишда энергия тежовчи технологияларни жорий этиш масалалари ҳам алоҳида ургу берилди. Мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбаларининг (шамол, қуёш) катта захиралари мавжуд бўлса-да, уларнинг ёқилиш-энергетика соҳасидаги улушини ошириш бўйича ишлар суст олиб боришмоқда. Шу муносабат билан "Ўзбекэнерго" АЖ мута-саддиларига бу борадаги вазифалар ижросини фаоллаштириш лозимлиги қўратиб ўтилди.

Уй-жой коммунал хизматларини қўрсатиш соҳасидаги вазият ва муаммолар Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг "Уй-жой коммунал хизматларини қўрсатиш ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун муҳокамасига бағишланган йиғилишида ўрганилди.

Сенаторлар мазкур ҳужжатда назарда тутилаётган имтиёзлар ва қўлайликлар хусусида тўхтади. Олий Мажлис Қўнунчилиги палатаси томонидан 2018 йил 30 август кўни қабул қилинган мазкур Қўнуннинг мақсади тўлов интизомини мустақамлаш, шунингдек, айрим тоифадаги I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёзли пенсия тейинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган.

— Қўнун билан Уй-жой кодексидида ичимлик суви, электр

энергияси ва газ учун тўлов интизомини мустақамлаш, коммунал хизматлар учун ўз вақтида, муҳими, тўлиқ ҳақ тўланишига эришиш назарда тутилмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раис ўринбосари Гавҳар Алимова. — Бундан ташқари, мазкур Қўнун дебитор қарздорлиқни камайитиришга қаратилган нормалар билан тўлдирилмоқда.

Эндиликда ушбу ҳужжат билан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қўнунига киритилаётган қўшимчаларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхат бўйича — I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган айрим тоифадаги шахсларга имтиёзли пенсиялар тейинлаш тартиби такомиллаштирилади.

Бундан ташқари, ушбу Қўнунда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги, ер ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилиши қўтилипти.

Мунисон КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҚАМЛАШГА ДОИР ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛАДИ

Йил бошидан буюн мамлакат миқёсида 13 минг 900 га яқин уй-жойлар қўриб берилди. Жумладан, республиканиннг олис ва яқин шаҳар ҳамда туманларида 335 та қўп қаватли уйлар қад кўтарди. Бу рақам 2017 йилдагига қараганда, икки баравар кўп деганидир. Албатта, бу яхши, аммо қўп қаватли уйларда яшовчилар учун етарли шарт-шароит яратиш масаласи қандай ҳал этиляпти?

Уй-жой коммунал хизматларини қўрсатиш соҳасидаги вазият ва муаммолар Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг "Уй-жой коммунал хизматларини қўрсатиш ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун муҳокамасига бағишланган йиғилишида ўрганилди.

Сенаторлар мазкур ҳужжатда назарда тутилаётган имтиёзлар ва қўлайликлар хусусида тўхтади. Олий Мажлис Қўнунчилиги палатаси томонидан 2018 йил 30 август кўни қабул қилинган мазкур Қўнуннинг мақсади тўлов интизомини мустақамлаш, шунингдек, айрим тоифадаги I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёзли пенсия тейинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган.

— Қўнун билан Уй-жой ко-

дексидида ичимлик суви, электр энергияси ва газ учун тўлов интизомини мустақамлаш, коммунал хизматлар учун ўз вақтида, муҳими, тўлиқ ҳақ тўланишига эришиш назарда тутилмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раис ўринбосари Гавҳар Алимова. — Бундан ташқари, мазкур Қўнун дебитор қарздорлиқни камайитиришга қаратилган нормалар билан тўлдирилмоқда.

Эндиликда ушбу ҳужжат билан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қўнунига киритилаётган қўшимчаларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхат бўйича — I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган айрим тоифадаги шахсларга имтиёзли пенсиялар тейинлаш тартиби такомиллаштирилади.

Бундан ташқари, ушбу Қўнунда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги, ер ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилиши қўтилипти.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ҳамад бин Абдулрахмон ал-Аттия: ЎЗБЕКИСТОН ҚИТЪАДАГИ ОТ СПОРТИ РИВОЖЛАНГАН ЙИРИК МАРКАЗГА АЙЛНАДИ



— **Жаҳон от спорти тақ-
вимидаги мазкур муҳим му-
собақага тайёргарлик ишла-
рини қандай баҳолайсиз?**
Келгусида бундан-да йирик
спорт анжуманларини қабул
**қилиш учун нималарга эъти-
бор қаратиш зарур?**

— Ушбу нуфузли мусобақага жуда юқори савияда тайёргарлик кўрилган. Яратилган шарт-шароит-лар Халқаро от спорти федерация-си талабларига тўла жавоб берди. Буни ташкилий, тайёргарлик иш-ларига асосий баҳони берувчи халқаро экспертлар, соҳа мутахас-сислари, чавандозларнинг ўзлари ҳам эътироф этишмоқда.

Ветеринарларнинг хулосасига кўра, финал учун танланган, захи-радаги отларнинг ҳолати ҳам жуда

яхши. Улар мусобақага дунёдаги энг юқори рейтинг кўрсаткичлари-га эга чавандозлар талаблари асосида тайёрланган. Финалнинг саралаш ва якуний баҳсларида ҳеч бир тулпор жароҳат олмагани пухта тайёргарлик самараси ҳисоблана-ди, албатта.

Замонавий от спорти мажмуала-ри билан яқиндан танишиб, юртин-гизда келгусида йирик спорт анжу-манларини ўтказиш учун зарур шарт-шароит мавжудлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Фур-сатдан фойдаланиб, ўзбек халқига, биринчи бўлиб, нашрингиз орқали яна бир хушxabарни етказмоқчиман.

Гап шундаки, Осиё от спорти федерацияси Бош Ассамблеяси-нинг бу йилги конференциясини Тошкентда ўтказишга қарор қил-дик. Шу йилнинг декабрь ойига мўлжалланаётган ушбу анжуманда

нафақат федерациямиз вакиллари, балки дунёнинг 45 давлатидан от спортига масъул ташкилот ва идо-ралар раҳбарлари иштирок этиб, мамлакатингизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самаралари билан яқиндан тани-шадилар. Мақсадимиз Ўзбекистон-ни Марказий Осиёдагина эмас, балки Осиё қитъасида от спорти ривожланган марказлардан бири-га айлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишдир.

— **Кузатаётган бўлсангиз, кейинги пайтда ўзбекистон-лик спортчиларнинг халқаро танловлардаги иштироки ҳам анча фоғллашди. Рей-тинги ошиб бораётган чаван-дозларимизнинг маҳоратини қандай баҳолайсиз?**

— Албатта, ижобий. Чунки Ўзбе-кистон азалдан учқур тулпорлари,

моҳир чавандозлари билан танил-ган. Тарихга назар соладиган бўлсак, ўзбек халқининг тўй-танта-налари “Кўпқари”, “Оломон пойга”, “Ағдариш” каби миллий ўйинлар-сиз ўтмаган. Полвону чавандозлар, айғирларнинг энг зўри ана шундай спорт мусобақаларида сараланган. Бугунги кунда эса Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси би-лан йилқичилик ва от спорти тар-моғида туб ўзгаришлар даври бош-ланганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Спорт, хизмат отлари етиштириш, наслчиликни яхшилаш баробарида, тизим моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, отчопарларни халқ-ро андозаларга мувофиқ, қайта қуриш ва модернизациялаш иш-лари жадал давом эттирилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар яқин йиллар-да Ўзбек йилқичилиги ва от спорти доврўғини дунёга кенг ёйишга хизмат қилишига ишонамиз.

Биз эса бу жараёнда ҳар то-монлама кўллаб-қувватлаш, ай-ниқса, тармоқ саноатини йўлга қўйиш, хорижий давлатларда ча-вандозлар малака ошириб кели-шига ёрдам беришга доимо тай-ёриймиз.

— **Ўзбекистонда халқ-мизнинг миллий бойлиги са-налган Қорабайир зотини кўпайтириш, унинг спорт кўрсаткичларини яхшилаш саъй-ҳаракатлари бошлан-ган. Айтинг-чи, Қорабайир Германия, Голландия, Буюк Британия, Польша отлари**

сингари жаҳонда шухрат қозониши учун нималар қилиш керак?

— Бундай ташаббусни фақат кўллаб-қувватлаш зарур. Лекин бу тез ва силлиқ кечадиган жараён эмас. Муҳими, ўзбек халқининг та-рихи билан узвий боғлиқ бўлган Қорабайир зотини кўпайтириш, уни жаҳон ареналарига олиб чиқиш ҳаракатлари бошланганининг ўзи катта жасоратдир.

Қорабайир от зоти доврақли-ги, жанговарлиги билан алоҳида ажралиб туради. Тана тузилиши эса ўта хушбичимдир. Бу зотнинг қотмалиги, турли шароитларга чи-дамлилиги эса араб отларига ҳам ўхшаб кетади.

Умуман олганда, дунёда от зот-лари жуда кўп. Лекин уларнинг ҳеч бирини мутлақ зўр, деб айтолмай-сиз. Қайси зотни олманг, бирор-бир йўналиш бўйича яхши кўрсаткичлар-га эга ҳолос. Яъни биттаси пойгада тенгсиз бўлса, бошқаси тўсиқлардан сакрашда устунлиқка эга...

Ҳақиқат шуки, спортда эришиб бўлмайдиган муваффақиятнинг ўзи йўқ. Шу маънода, Қорабайир зотининг юқори натижаларни қўлга киритиши кўпроқ ўзингизга боғлиқ. Наслчилик ишлари яхшиланиб, ҳар бир мусобақага пухта тайёргарлик кўрилса, зафар қозонилиши, шубҳасиз. Бу йўлда сизларга омад тилайман.

«Халқ сўзи» мухбири Саид РАҲМОНОВ суҳбатлашди.

Пахта теримида мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди



Дарҳақиқат, юртимизда пахта хом ашёсини нест-нобуд қилмасдан, ёгин-гарчилик кунларига қолдирмай йиғиш-тириб олиш масъулиятли вазифалар-дан саналади. Шу боис жорий йилда бу юмушга жиддий аҳамият қаратилиб, теримчиларга муносиб ҳақ тўлаш, улар-га зарур шарт-шароит яратиш, энг асо-сийси, мажбурий меҳнатга йўл қўймас-лик чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида ўтказилган анжуман ҳам айтиш ш ма-салага, хусусан, мажбурий меҳнатга қарши олиб борилаётган ишлар самар-дорлигига бағишланди.

Унда бандлик ва меҳнат муноса-батлари вазири Шерзод Кудибоев бу-гун юртимизда мажбурий меҳнатга қарши сезиларли ислохотлар амалга оширилаётгани, бу борада мустаҳкам қонунчилик меъёрлари ўрнатилгани ва халқаро ташкилотлар билан очик ме-зонларга асосланган самарали ҳамкор-лик йўлга қўйилганлигини алоҳида таъ-кидлади. Мавсумда фуқароларни маж-бурий тарзда пахта далааларига жалб қилишга асло йўл қўйилмаслиги, жорий

йилдан эътиборан йиғим-терим фақат иқтисодий манфаатдорлик тамойили асосида ўтказилишига урғу берилди. Шунингдек, мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича @mehnatuqibot телеграм тармоғи ишга туширилгани ҳам айтиб ўтилди.

Эндиликда пахта ҳосилини йиғиш-тириб олишга теримчилар ихтиёрий ра-вишда жалб этилади. Хўш, бу жараён қандай бўлади?

Маълумки, республикамизнинг ай-рим ҳудудларида пахта майдони кўпу ишчи кучи етишмайди. Ёки аксинча, экин майдонлари кам, лекин аҳоли кўп. Шундан келиб чиқиб, пахта йиғим-те-римида иштирок этишни истagan бош-қа вилоятлар аҳолиси, хусусан, мавсум-да қўшимча даромад олишни мақсад қилганлар ихтиёрий равишда Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятларига теримга так-лиф этилади. Бунинг учун аҳоли ва-киллари яшаш манзилига яқин бўлган Бандликка кўмаклашиш марказлари-га мурожаат қилиши, @terimuz телеграм-ботида ёки terim.uz сайтида берилган анкета маълумотларини тўлдириши лозим бўлади.

Айтиш жоизки, пахта йиғим-терими

мавсуми яхшигина даромад манбаи ҳам-дир. Айтилик, бир килограмм пахта нархи биринчи теримда қўшимча те-римчилар жалб қилинган туманларда 950 сўм, иккинчи теримда 1150 сўм, учинчи теримда 1300 сўм бўлса, бир кунда ўртача 70 килограмм пахта терган одам 66 минг 500 сўм ишлаб топиши мумкин. Пахта мавсумини ўртача 40 кун деб олиб, уни бир кунлик 66 минг 500 сўмга кўпайтирсак, 2 миллион 660 минг сўм бўлади. Бу — агар бир оилада уч киши теримга чиқса, мавсум давомида қарийб 8 миллион сўм соф даромад олиш имконияти пайдо бўла-ди, дегандир.

Бундан ташқари, пахта териладиган манзилга етиб бориш, яшаш ва туш-лик қилиш, транспортдан фойдаланиш каби харажатларни давлат ўз зимма-сига олади. Меҳнат ҳақи эса ўз вақти-да ва тўлиқ тўланади. Пахта йиғим-те-римида 18 ёшга тўлганларгина ишти-рок этади.

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари-га риоя этилиши эса Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан назорат қилинади.

Дилшод УЛУҒМУРОВОД.

Кичик бизнес субъектлари ва хўнармандлар диққатига!

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 676-Ф-сонли фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 20 августдаги 1240-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2018» кўрик-танловининг туман босқичлари 2018 йил

10 сентябрдан 21 сентябргача ва Тошкент шаҳар босқичи 24 октябрда Олмазор тумани «Зарқайнар миллий либослар галереяси» биносиде ўтказилади.

Ушбу кўрик-танловда иштирок этиш истагидаги кичик бизнес субъектлари ва хўнармандлар туман тадбиркорликка кўмаклашиш марказларига тегишли ҳужжатлар орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 236-78-45, 233-74-94, 233-46-71.

7133/388

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига «Туронбанк» АТБ Юнусобод филиалининг буюртмасига асосан, Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Тошкент — Ўш автомагистралада жойлашган, ер майдони 9000,0 кв. м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари тақорган қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 4 622 744 550 53 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 24 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 21 сентябрь куни соат 16.00.

Мазкур кўчмас мулкларнинг 2018 йил 24 сентябрь кунги савдоси ўтказилмай қолган тақдирда, уларнинг тақоррий аукцион савдоси 2018 йил 10 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 8 октябрь куни соат 16.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун савдо ташкилотчисиға талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатда шахсан қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этиши лозим: — юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, низоом ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил аукцион савдосида қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи паспорт нусхаси; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил аукцион савдосида қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи паспорт нусхаси.

Аукцион савдоси голибига савдо санасидан бошлаб 15 кун мобайнида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатал пули микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлган микдордаги закатал пулини «New estate action» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:
Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Маҳмуд Торобий кўчаси, 31-уй.
Телефон: (0-371) 254-69-11. Факс: (0-371) 254-69-13.

7271/1281

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Танловда қатнашиш истагини билдирган юридик шахслар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сонли қарорига асосан,

«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» давлат унитар корхонаси

балиқ овлаш хўжаликларига саноат балиқ овлашни амалга ошириш учун сув ҳавзаси участкаларини ижарага бериш бўйича очик танлов ўтказилишини маълум қилади.

Танлов ташкилотчиси — «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» давлат унитар корхонаси.

Дирекция манзили: Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Фолиблар шаҳарчаси, Арнасой тумани давлат солиқ инспекцияси биноси.

Телефонлар: (+99895) 504-77-41 (42, 45, 46). Тел./факс: (0-372) 226-04-14.

Электрон почта: aydar.arnasoy@soliq.uz

Танлов предмети — Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ҳавзасидаги 1.901,4 гектардан 2.091,7 гектаргача бўлган жами 54 участкани балиқ овлаш хўжаликларига саноат балиқ овлашни амалга ошириш учун 10 йил муддатга, очик танлов асосида ижарага бериш.

Талабгорлардан буюртманомаларни кўриб чиқиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир баравари микдоридаги тўлов танлов ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилади:

«Ипотека-банк» АТББ Жиззах вилояти филиали,
хўр: 20210000200747545001, МФО: 00122, СТИР: 304741887,
«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК (буюртманомани кўриб чиқиш учун тўлов).

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ёхуд почта орқали буюртма хат билан буюртманомани икки нусхада, кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати ва қуйидаги ҳужжатлар билан бирга Дирекцияга тақдим этиши лозим:

— танловда иштирок этиш учун талабгорнинг тўлиқ номи ҳамда жойлашган манзили (почта манзили, СТИР) кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза;
— балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа;
— балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун моддий-техника воситаларининг (русуми кўрсатилган қайиқлар, моторлар, овлаш қуроллари, автотранспорт воситалари, балиқ ва балиқ воситаларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказо) мавжудлиги ҳақида батафсил маълумот;
— табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар комплекси.

Танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган юридик шахслар Дирекциядан қуйидаги ҳужжатлар ҳамда маълумотларни олишлари лозим:

— танловда қатнашиш шартлари, талабгорлар томонидан тақдим қилинадиган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати;
— танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибдаги буюртманоме ва ариза намунаси;
— танловга қўйилган сув ҳавзаси участка (контур)лари рақами, номлари, жойлашган ўрни, майдони ҳамда сув ҳавзасининг ўртача балиқ маҳсулдорлиги;
— Айдар-Арнасой кўллар тизими участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига балиқ етиштириш ва овлаш учун ижарага бериш шартномасини лойихаси.
Участканинг харита-схемаси билан талабгорлар Дирекцияда танишишлари мумкин.

Ҳужжатлар Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Фолиблар шаҳарчаси, давлат солиқ инспекцияси маъмурий биносиде ҳафтанинг душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.

Талабгорларнинг танлов тақлифлари жойлашган конвертлар:

— 2018 йил 11 октябрь куни соат 10.00 да Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 116-уй, Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси маъмурий биносиде;
— 2018 йил 12 октябрь куни соат 10.00 да Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-уй, Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси маъмурий биносиде очилади.

Танловга ҳужжатлар танлов ўтказилиши ҳақида

Эълон чоп этилган санадан бошлаб ўттиз кун мобайнида,

яъни 2018 йил 10 октябрь куни соат 18.00 гача Дирекцияда қабул қилинади.

721-12/274



ИПАК YO'LI BANKI

акциядорлик инновация тижорат банки

раҳбарлари ва мансабдор шахслари жавобгарлигини суғурталаш бўйича суғурта шартномаларини тузиш мақсадида суғурта ташкилотлари ўртасида тендер эълон қилади.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100017, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.

Тендер ҳужжатларини қабул қилишнинг охириги куни — 2018 йил 27 сентябрь соат 14.00.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 140-69-39, 140-69-00 (ички — 12-58).

7162/385



MAQQOM ART
INTERNATIONAL FORUM
SHAHRISABZ - 2018
WWW.MAQQOMFORUM.UZ

«Ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда музика санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди»



Анвар Гола МУҲАММАД, Бирлашган Араб Амирликлари Маданият ва санъат вазирлиги координатори (БАА):

— Бугун Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга бўлган эътибор янада юксалганидан ҳавасдаман. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг: “Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак.

Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак.

Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаятган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур” деган оташин сўзлари қалбимда бир умр муҳрланиб қолади.

Сандор САБО, Венгрия, музикашунос:

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган музика фестивалларида, турли анжуманларда қатнашганман. Бироқ мақом анжумани илк бор ташкил этилган бўлса-да, у юксак ташкилий даражаси билан ажралиб туради. Унинг очирилиш маросимида шахсан мамлакат раҳбари қатнашди, иштирокчиларга ўзининг самимий тилакларини билдирди. Жумладан, давлатининг

тонининг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини янада оширади. Беқарор, нотинч вазиятдаги баъзи давлатлар фарзандлари ҳам Ўзбекистон болаларидек бахтли бўлишини истардим. Юртингизга кўз тегмасин!

Шох РАЖЕШ, Банарас Ҳинду университети ижрочилик санъати факультетининг профессори (Ҳиндистон):

— Кўп бора эшитганим ва ўқиганим — Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Шахрисабздаги тарихий обидалар менда катта таассурот қолдирди. Ўзимни мозийга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Шаҳарнинг бугунги тараққиёти ҳам кўзини қувнатади — кўчалар тоза, озода, қаерга қараманг, гулзор.



Шошурот ШАРАТОВ олган суратлар.

Рейчел ХАРРИС, Шарқ ва Африкани тадқиқ этиш Лондон университети Шарқшунослик институтини доктори (Буюк Британия):

— Биз бир неча кундан буён қадимий Шахрисабз шаҳрининг гўзаллиги, тарихий обидалари таровати, одамларининг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўляпмиз. Бундай шукҳнинг чекка қишлоқларда ҳам мавжудлиги бизни ҳайратлантирди. Қарши шаҳридаги Ёшлар хиёбонида музикага ихлоси баланд ёшлар билан учрашдик.

Бугун баъзи мамлакатлар аҳолиси бир-бирига қурол ўқталиб, ирқ талашаятган бир пайтда ўзбек ёшларининг илм, касб-хунар ўрганишга интилаётгани, дунё халқларини музика билан бирлашти- раётгани Ўзбекис-

Юртингиз ҳақида таассуротларим кун сайин бойиб, ҳар қадамда ўзим учун бир янгилик кашф қиляпман. Болалар музика ва санъат мактабларининг кўплиги, ёш авлодининг санъат ҳақидаги билимларини бойитишга қаратилган алоҳида таълим дастурларининг ишлаб чиқилгани жуда қувонарли. Кўпгина давлатлар таълим тизимида музикавий таълим-тарбияга эътибор қаратишмайди. Ахир инсон руҳияти, маданияти ва маънавияти шаклланишида музиканинг аҳамияти юқори эканлигини ҳали аксарият мамлакатларда англаб етишмаяпти. Биргина мана шу Халқаро мақом фестивалини олиб қаранг, Ер юзининг турт тарафидан келган турли миллат ва элат вакиллари биллаштириш, ўз миллий санъатларини бир сахнада намойиш этиш имконини берди. Янграган куй-қўшиқларнинг тарихий ва қадимий обидаларга ҳамоханлиги фестивалга ўзгача жозиба бағишлади. Қолаверса, ушбу анжуман улғувор максадларни ўзида муҳассамлаштиргани туфайли бошқа фестиваллардан тубдан фарқ қилади.

Максуд ЖОНИХОНОВ, Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИ ЯГОНА ТАРИФИКАЦИЯ ВА НОМЕР ТИЗИМИГА АЙЛАНМОҚДА

Кечадан бошлаб алоқа тармоғида еттиталик ўрнига тўққизталик рақамлар тизимиغا ўтиш бошланди. Жорий йил якунига қадар Ўзбекистон телекоммуникация тармоғи ҳам 9 хонали рақамли тизимни қўллашга киришади. Мазкур ой якунига қадар 9 хонали рақамли тизим Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида тўлиқ ишга туширилади.

Янгилик

2018 йил 10 сентябрдан телефон алоқасини тўққиз хонали рақамлаш тизимиغا ўтказиш ишлари амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти		Рақам теришнинг янги тартиби	
Техник қўллаб-қувватлаш рақами		Маҳаллий тармоқ	Шаҳарлараро тармоқ
1192		Симли тармоқда	
	“Ўзбектелеком”	234-xxxx	0 371 234-xxxx
	“East Telecom”	611-xxxx	0 370 611-xxxx
	“Buzton”	150-xxxx	0 371 150-xxxx
	“Sharq Telekom”	140-xxxx	0 371 140-xxxx
	“Sarkor Telecom”	113-xxxx	0 371 113-xxxx
	“Unitel”	122-xxxx	0 371 122-xxxx
	“Coscom”	900-xxxx	0 590 900-xxxx
	“UMS”	132-xxxx	0 591 132-xxxx
	“RWC”	500-xxxx	0 593 500-xxxx
	“Ўзмобиай”	600-xxxx	0 594 600-xxxx
		700-xxxx	0 597 700-xxxx
		300-xxxx	0 598 300-xxxx
		145-xxxx	0 595 145-xxxx
		800-xxxx	0 599 800-xxxx
		71 234-xxxx	71 234-xxxx
		70 611-xxxx	70 611-xxxx
		78 150-xxxx	78 150-xxxx
		78 140-xxxx	78 140-xxxx
		78 113-xxxx	78 113-xxxx
		78 122-xxxx	78 122-xxxx
		90 900-xxxx	90 900-xxxx
		91 132-xxxx	91 132-xxxx
		93 500-xxxx	93 500-xxxx
		94 600-xxxx	94 600-xxxx
		97 700-xxxx	97 700-xxxx
		98 300-xxxx	98 300-xxxx
		95 145-xxxx	95 145-xxxx
		99 800-xxxx	99 800-xxxx

ЎЗБЕКИСТОНнинг бошқа вилоятларида 9 хонали телефон рақамли тизимга ўтиш алоҳида жадвал бўйича амалга оширилади ва бу ҳақда қўшимча тарзда маълум қилинади.

Тезкор чақирув хизматлари ҳамда қисқа 4 хонали рақамларга қўнғироқ қилиш тартиби ўзгармайди.

Халқаро форматда қўнғироқ қилиш тартиби аввалги ҳолида қолади (+998-xxxxxxx).

Абонентларга қўлайлик учун рақамлар нотўғри терилганда, бу ҳақда огоҳлантирувчи “*Хурматли абонент, 9 хонали телефон рақамли тизимга ўтилиши муносабати билан, абонент рақамини оператор коди билан теришингизни сўраймиз*”, деган овозли хабар етказилади. Бундан ташқари, қисқа 1192 рақами орқали туну кун абонентларни техник қўллаб-қувватлаш хизмати фаолият кўрсатади.

Қандай қилиб 9 хонали телефон рақами орқали мобиль алоқа операторини аниқлаш мумкин?

Телефон рақами қайси операторга ёки вилоятга тегишли эканлигини www.rtmc.uz сайтига кириб, “Интерактив хизматлар” бўлимидан, шунингдек, @uztmbot телеграм-боти ёрдамида билиб олишингиз мумкин.

Ш. БЎТАЕВ тайёрлади.

РЕКЛАМА

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ
 гофраси баландлиги: С-18, С-35
 Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
 Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
 • 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 000 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 63 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
 • RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 42 600 сўм/п.м.
 • RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: (+ 99890) 996-96-63, (+ 99899) 871-88-99.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК
 «АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдинглариининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.
 Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Телефонлар:
 Девоихона (0-371) 233-52-55;
 Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6784

Таҳриратга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
 100000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
 Навбатчи — О. Файзиев.
 Мухасҳх — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
 “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6